# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 5-yanvar № 3 (3040) payshanba


Жараён

## Пок ниятлар айёми



*Янги йилда кишилар бир-бирига эзгу тилаклар изҳор этиш учун масофа танламай йўлга отланишади. Уларнинг ана шу истаги рўёбга чиқиши, узоғи яқин бўлиб, хуш кайфият билан манзилга етиб боришида темирйўл соҳаси ходимлари меҳнати эътиборга сазовор.*

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

Байрам арафасида «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акционерлик жамиятининг Самарқанд филиалига қарашли Бухоро вокзалида бунинг исботини кўрдик. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта. Вокзал йўловчи-ю, кутиб олувчи ва кузатувчилар билан тирбанд. Ҳаммада байрамона кайфият. Кимдир Янги йилни хонадонида нишонлаш ниятида сафардан қайтаётган бўлса, бошқа бирови айёмни қариндошлари, дўст-биродарлари даврасида кутиб олишга ошиқмоқда.

2011 йилнинг сўнгги куни. Эрталаб соат 7 дан 15 дақиқа ўтганда 662-сонли «Тошкент — Бухоро» йўловчи поезди вокзалга келиб тўхтади. Йўловчиларни вокзал ходимлари хуш кайфият билан кутиб олдилар. Орадан кўп ўтмай, Бухоро локомотив депосининг тажрибали машинисти Сайфиддин Намозов ва унинг ёрдамчиси Бекзод Шаропов бошқарувидаги 9-сонли «Бухоро — Тошкент» йўналишидаги «Шарқ» тезюрар поезди биринчи йўлдан пойтахт томон йўл олди.

Шу куни эрталаб Тошкентдан йўлга чиққан «Шарқ» тезюрар поезди белгиланган вақтда етиб келди. Яна самимий, шодон кутиб олишлар, ҳаяжонли учрашувлар, бир-бирини Янги йил билан муборакбод этиш...

— Бундан 22 йил илгари поездда Бухорога ташриф буюрган эдим, — деди ўзини Кан Гу Бин деб таништирган хорижлик меҳмон. — Бугун йўл-йўлакай атрофни кузатиб келдим. Ўтган давр мобайнида шаҳару қишлоқларингиз танib бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Замонавий поезд, шунингдек, мана бу муҳташам вокзалда йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги мени мамнун этди. Ўйлайманки, 2012 йилни Бухорода кутиб олишим ҳаётимда ўчмас из бўлиб қолади. Меҳмондўст, кўнгли ва дастурхони очиқ серқуёш Ўзбекистон халқига бахт ҳамиша кулиб боқишини тилаб қоламан.

Оқшомга яқин вокзалнинг қиёфаси яна ўзига хос файзли тус олди. Ҳаммада байрамона кайфият.

661-сонли «Бухоро — Тошкент» йўловчи поезди биринчи йўлда турибди. Вокзал бошлиғи Соҳиб Пўлатов йўловчиларни вагонларига таклиф этар экан, барчани кириб келаётган 2012 йил билан муборакбод этиб, оқ йўл тилади. Машинист Жума Шарипов ва унинг ёрдамчиси Илҳом Исоқов бошқарган поезд йўлга тушди. Манзилнинг тенг ярмида юртимизга Янги йил кириб келди. Шу муносабат билан поезд бригадири Эргаш Тешабоев вагонларга ўтиб, йўловчиларни қутлаган ҳолда эзгу тилакларини изҳор этди.

Ушбу файзли оқшомни вокзал бошлиғи С.Пўлатов бошчилигида навбатчи С.Камолова, маълумотхона навбатчиси Д.Удаева, кутиш зали навбатчиси А.Шарипов, чипта сотувчи А.Жумаев, шунингдек, осойишталик посбонлари иш жойларида йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш билан ўтказдилар. Муҳими, Янги йил хурсандчилик билан кутиб олинди. Йилнинг ҳар бир куни ана шундай фарахбахш ўтишига умид қилиб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан



Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат

## Қаҳрамоннинг номи ўчмайди

Истиқлолимиз, эркин ва фаровон ҳаётимизни кўролмаган бир гуруҳ террорчиларнинг Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари тоғли қишлоқларига бостириб кириб, тинчлик ва осойишталигимизга раҳна солмоқчи бўлишгани эсимизда. Террорчилар қақшатқич зарбага учрадилар. Эл-юрт тинчлиги, Ватан ҳимояси йўлида жонини фидо қилган мард ва жасур ўғлонларимиз орасида Бобуржон Ғаниев ҳам бор эди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

...Тушдан сўнг гуруҳ Киштут қишлоғи дараларидан бирини назоратига олди. Тоғларга оқшом тез чўкади. Шунинг учун ҳам атрофни зулмат қопламасдан дарани кўздан кечириб, маррани эгаллаш ҳақида буйруқ олинди. Лейтенант Бобуржон Ғаниев сафдошлари билан ҳар бир қоя, ўнгирни диққат билан кўздан кечира бошлади. Тош кўчкилари, ўсимликларнинг топталгани Бобурда шубҳа уйғотди. У барчани орқароқдан ҳушёр юришга чақирди. Шунда қоялар орасига пистирма қўйган душман тўсатдан ўт очди. Ўқ йўлига ғов бўлган лейтенант оғир ярадор бўлишига қарамай, чекиниб маррани эгаллаш ҳақида буйруқ берди. Ўзи эса қуролдошлари хавфсиз жойга ўтгунга қадар жангариларга қаршилик кўрсатди.

— Бобуржон Ғаниевдек довюрак фарзанд маҳалламизда камол топганидан фахрланамиз, — дейди «Йўрмадўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухторжон ака Ҳасанов. — Ғаниевлар оиласи маҳалламиздаги ибратли оилалардан. II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган марҳум Бобуржоннинг онаси маҳалламизга кўп йиллар раислик қилган. Ҳозир нафақада.Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, меҳнат фахрийси Мунавварxон ая Ғаниева шаҳримизнинг ҳурматли устоз педагоги сифатида эъзоз топган. Қаҳрамоннинг акалари ҳам халқ, Ватан хизматини ўтаётган асл инсонлар! Бахтиёржон ва Баҳодиржон ҳарбий хизматчи, Баҳромжон эса шифокор, опаси Гавҳарой — ҳуқуқшунос.

Бобуржон яшаган хонадонда «Камолот» ЁИҲнинг ташаббуси билан уй-музейи ташкил этилиб, ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Илгариги Ибрат кўчасига Бобуржон Ғаниев номи берилган.

Шу кунларда 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қаҳрамоннинг уй-музейига ҳар куни академик лицей, коллеж ва мактаб ўқувчилари ташриф буюрмоқда. Учрашувларда Мунавварxон ҳожи ая ўғли ҳақидаги хотираларини ўқувчиларга сўзлаб беради. Она фарзандининг мард, жасур йигит бўлиб етишганидан, она-Ватанга садоқатли эканидан беҳад хурсанд эди. Лекин халқимиз тинчлигини кўролмаган айрим ғаламислар томонидан уюштирилган нохуш воқеалар оқибатида онаизор жигарбандидан айрилди.

Ёвуз террорчилар гуруҳига қарши курашларда, халқимизнинг тинчлик ва осойишталигини сақлашда Бобуржон кўксини қалқон, жонини фидо қилди. Халқимиз осойишталиги, юртимиз тинчлиги йўлида шаҳид кетган бундай жасур ўғлонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

Мусоҳаба

## Парвоз учун кенгликлар зарур



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛТЕТИ ДЕКАНИ, ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР НАСИМХОН РАҲМОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

***— Насимхон ака, Президентимиз ўтган йил 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар берилиши тўғрисида айтиб ўтган эди. Янги йил арафасида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарор ана шу эътиборнинг яққол ифодаси бўлди. Шунингдек, мазкур табрикда: «Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз керак», дея алоҳида таъкидланганди. Суҳбатимизни бу борада факултетда амалга оширилган ишлар сарҳисобидан бошласак.***

— Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг ушбу Қарори ижод аҳли учун улкан совға бўлди, десак адашмаймиз. Оммавий ахборот воситалари тизимига мутахассислар етказиб беришга масъул соҳа вакиллари сифатида бу бизни ҳам беҳад қувонтирди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2011 йил 27 июн куни матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган табригида журналист кадрлар тайёрлаш соҳасида жиддий вазифалар қўйилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг муҳим вазифамиз — педагогик технологияларни қўллаш ёки ўқув-методик базани такомиллаштириш бўладими — сифатли кадр тайёрлашга қаратилган. Ҳаммага яхши маълум, салоҳиятли журналист тайёрлаш учун олий ўқув юрти аудиторияси торлик қилади. Билимини амалиётда мустаҳкамламаган бўлажак мутахассис қанотсиз қушга ўхшайди. Бу борадаги муаммоларни бартараф қилиш мақсадида телевидение, газета-журналлардан тажрибали журналистларни дарс жараёнига кўпроқ жалб қилаяпмиз. Бу яхши натижа бераяпти. «Журналист» ўқув газетаси талабаларни мақола ёзишдан тортиб саҳифаланиб чоп этилгунгача бўлган жараён билан яқиндан таништириб, маҳоратини оширишга кўмаклашаяпти.

Президентимиз ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш вазифасини олдимизга қўйган эканлар, журналистика соҳасида талабаларнинг амалиёт ўташ тамойиллари, қоидалари педагог кадрлар тайёрлайдиган соҳаларникидан фарқ қилишини айтмоқчи эдим. Энди эски усулдан воз кечиб, журналистика факултети талабаларининг амалиёт ўташ қоидаларини ўзгартириш вақти келди, деб ўйлайман. Журналистика — бу ижод. Ижод бир йилда ёки бир ярим ой эмас, балки ҳар куни мунтасил давом этади.

*(Давоми 3-бетда)*

Касаба уюшма тадбири

## Уч авлод учрашуви

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**

*Сизнинг ўхшашингиз, қиёсингиз йўқ,*
*Отам, онам, деймi, дўстим, яқиним.*
*Тунда ҳам, кунда ҳам бирдай ишлаган,*
*Ибн Сином менинг, Луқмон Ҳакимим.*

*Оғзингизга солган луқмани ютмай,*
*Бемор қайда бўлса, сиз шунда ҳозир.*
*Ҳар хаста бандага шифо улашган,*
*Ҳожатбарормисиз ва ёки Хизр...*

Дарҳақиқат, танимиздан оғриқни қувиб, кўнглимизга ором бағишлаган шифокорларнинг масъулияти, фидойилиги таҳсинга лойиқ. Улар умр бўйи ўзгалар дардига шифо излаб, меҳнат қиладилар. Ортидан эзгулик ва муносиб шогирдлар қолади.

Китоб шаҳрида туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этилган «Уч авлод учрашуви» деб номланган маънавий-маърифий тадбирнинг аҳамияти шу маънода катта бўлди. Унда нафақадаги тиббиёт ходимлари, ўрта ва ёш авлод вакиллари иштирок этишди.

Фахрийлар Саидмурод Ғозиев, Толиб Зокиров, Манзура Фозилова, Света Бахаева сўзга чиқиб, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар ҳақида фахрланиб гапиришди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдуғани Усмонов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳмаджон Абдусамадов йиғилганларни янги йил билан қутлаб, устозларга эсдалик совғалари топширишди.

«Ўзбекистон, сени куйлайман!» республика кўрик-танлови иштирокчиси, тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Ҳилола Шаропова ижросидаги дилбар қўшиқлар тадбирга файз киритди.

«Устоз-шогирд» анъанаси амалда

## Имтиёзли диплом эгалари рағбатлантирилди

**Ҳилола ФОЗИЛОВА, Зомин туманидаги 56-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

Ёшларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланиши, доимий иш билан таъминланишига кўмаклашишда касаба уюшмалари изчил фаолият олиб бормоқда. Бунда «Устоз-шогирд» тизимининг ўрни алоҳида.

Бюджет ташкилотларида амалиёт ўтаётган коллеж битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ҳамда коллежни имтиёзли диплом билан битириб ишга жойлашган ходимларга 50 фоиз миқдорида бир марталик ёрдам касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан амалга оширилаётгани қувончлидир.

Педагогика касб-ҳунар коллежини имтиёзли диплом билан битирган Эъзоза Мавлонова, Дилноза Мавлонова туманимиздаги 1, 16- умумтаълим мактабларида иш бошлади. Тиббиёт коллежини тамомлаган Маҳлиё Азимова 15-мактабгача таълим муассасасига ҳамшира этиб тайинланди.

Яқинда Зомин туман таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма кенгаши томонидан ўн нафар ёш ходимнинг ҳар бирига ўттиз минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ishonch
2012-yil 5-yanvar № 3 (3040)

# Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

## Аъзолар манфаати устувор

*Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг I Қурултойи қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги ишлар муҳокама этилди.*

Ушбу масала юзасидан Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов маъруза қилиб, жумладан, шундай деди:

— Марказий кенгашимиз меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча имкониятни сафарбар этмоқда. Шу мақсадда 7 та республика ташкилоти билан келишув имзоланган. Ушбу ҳужжатлар тармоқ ходимлари учун меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий кафолатларни белгилаб берувчи норматив ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

2011 йилда тармоқдаги корхона-ташкилотларнинг 93 фоизидан ортиғида жамоа шартномалари амал қилди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши ҳамда ҳаётга тўла татбиқ этилиши касаба уюшма ташкилотларининг энг муҳим вазифасига айланди.

Шунингдек, тармоқ корхоналари ишчи-хизматчиларига жамоа шартномалари орқали берилган кафолат ҳамда имтиёзларга сарфланган харажатлар мониторинги ўтказиб келинмоқда. 2011 йил 1 ноябр ҳолатига кўра шу мақсад учун 565 млн. сўм сарфланди.

Федерация кенгашининг 2011 йил февралдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Автомобил, дарё ва электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари ҳамда Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмалари негизида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташкил этилган эди. Оптималлаштириш натижасида аъзолар сони 104 минг нафарга, бошланғич ташкилотлар эса 1546 тага етди.

Музокарада сўзга чиққанлар оптималлаштириш самараларини ижобий баҳолаб, кенгаш фаолиятини янада яхшилашга доир қимматли мулоҳазаларни билдирдилар.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Ижтимоий шериклик тамойили ҳар бир ходимнинг манфаатини янада кенгроқ қамраб олишга хизмат қилади. Жамоа шартномасининг ижросига бағишланган ҳисобот йиғилишимизда бунинг яққол ифодасини кўрдик. Жумладан, 13 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, спорт тадбирлари ўтказилди.*

## Ҳамжиҳатликда гап кўп

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили «Уобсой» қишлоғидаги «Бўстон» болалар оромгоҳида 4 нафар, мактаб қошидаги «Дилбар» оромгоҳида 65 нафар бола мириқиб ҳордиқ чиқарди. Шунингдек, 4 нафар ўқитувчи Тошкентдаги «Бўстон» сиҳатгоҳида саломатлигини мустаҳкамлади.

Касаба уюшма ташкилоти қошидаги меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси фаолияти самарали йўлга қўйилган. Мактаб биносининг иситиш қувурлари мавсум олдидан кўздан кечирилиб, тўртта иситиш қозони ишга туширилди, биттаси тўлиқ таъмирланди.

Мактабимиз қошида иккита ошхона ишлаб турибди. Кам таъминланган ўқувчилардан 30 нафари, 5 нафар ўқитувчи ва техник ходим бепул тушлик қилади. Ҳамшира хонаси, дам олиш, кутубхона, «Маънавият» хоналари барча жиҳозлар билан таъминланган. Ахборот-коммуникация технологияси тизими асосида ишлаш учун икки йил аввал «кластер хона»лари ташкил этилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ҳафтанинг ҳар шанбаси «Спорт куни» деб белгиланган.

Келгусида мактаб ҳовлисидаги 50 сотих ерга сабзавот экиб, ходимларимиз дастурхонини янада тўкин қилишга ҳисса қўшмоқчимиз.

Эришаётган ютуқларимиз маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг янги қирраларини намоён қилаётир.

**Зуҳро ШОЙМАТОВА,**
**Зарбдор туманидаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Муносиб меҳнатга муносиб эътибор

***Замонавий технологияларнинг кириб келиши алоқа тизимида жадал ривожланишни таъминламоқда. Ходимларнинг доимий равишда компютер билан ишлаши улар меҳнати муҳофазасини кучайтириш, муносиб иш ва дам олиш шароити яратилишига янада кенгроқ эътибор қаратишни талаб қилади.***

***Бирлашган касаба уюшма қўмитамиз томонидан тизимдаги корхона ва ташкилотларда касаба уюшма қўмиталари ва хўжалик идоралари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга жамоа шартномаларида бу борада белгиланган шартларнинг бажарилиши мунтазам ўрганилиб, таҳлил қилинаяпти.***

Хоразм радио-телевидение узатиш марказида меҳнат қилаётган 49 нафар ходимдан 12 нафари аёллардир. Касаба уюшма қўмитаси раиси Ибодулла Жуманиёзов меҳнат муҳофазаси бўйича 2011 йил учун тузилган чора-тадбирлар режаси ижросига масъулият билан ёндашганига гувоҳ бўлдик. Марказда шу йўналишдаги ишлар учун йил давомида 1 млн. 137 минг сўм сарфланган.

ОАТБ «Алоқабанк» Хоразм филиалида ишчи ходимлар мажбурий суғурталаниб, уларга «Alskom» суғурта компанияси томонидан 2011-2012 йиллар учун суғурта полиси берилган.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят филиалида эса ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2010 йилда 254 нафар ходимга 974 минг сўм, 2011 йилда 270 нафар ходимга 1197,5 минг сўм филиал ҳисобидан сарфланиб, ходимлар мажбурий суғурта қилинган.

Ишловчиларга сут маҳсулотлари бериш жорий қилиниб, шу мақсадда 40 нафар ходимга 2 млн. 660 минг сўм сарфланган. 540 нафар ходимга 1 млн. 660 минг сўмлик махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари олиб берилган. Ушбу масала юзасидан олиб борилаётган ишлар касаба уюшма қўмитаси томонидан назорат қилиб борилмоқда.

«Хоразм телеком» филиалида 714 киши меҳнат қилади. Меҳнат муҳофазаси чора-тадбирларига 2011 йил учун 22 млн. сўм сарфланган. Жумладан, ишчи-хизматчиларга 18 млн. сўмликдан зиёд махсус кийим-бош ва пойабзал олиб берилган.

Кўриниб турибдики, тасарруфимиздаги барча жамоаларда ходимларга меҳнат шароити яратиш масаласига талаб даражасида ёндашилмоқда. Ўрганиш жараёнида айрим камчиликлар ҳам аниқланиб, уларни жойида бартараф қилиш чоралари кўрилди.

**Зулфия БОБОЖОНОВА,**
**Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Жарима ундирилди

***«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига биноан ногиронлик аравачасида ҳаракатланадиган ногиронларнинг барча корхона, ташкилот ва муассасаларга тўсқинликсиз кириши таъминланади.***

Мазкур қонун ижроси вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси билан ҳамкорликда ўрганилганда жойларда қатор камчиликлар аниқланиб, масъул шахсларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилди.

Жумладан, Сайхунобод туманидаги «Рўзиқул — Элдорбек» хусусий корхонаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Сирдарёэлектртармоқлари» ОАЖ, Гулистон шаҳридаги «Стомаком» МЧЖ, Гулистон нефт базаси унитар корхонаси, Оқолтин, Сирдарё туманлари тиббиёт бирлашмалари, Сайхунобод туманидаги 1-умумтаълим мактаби, Оқолтин туман маданият ва спорт ишлари бўлими, вилоят мусиқали драма театри, «Меҳнатобод» касб-ҳунар коллежи, Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси, «Нафис либос» МЧЖ раҳбарлари 3 млн. 481 минг 450 сўмдан молиявий жаримага тортилди.

Уларга нисбатан вилоят Адлия бошқармаси орқали хўжалик судида даъво қўзғатилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра жарималар тўлиқ ундирилди.

**Бозорбой ИСМАТОВ,**
**Сирдарё вилоят КУТБ меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири**



Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

***Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ташаббуси билан ЎзКУФКнинг катта мажлислар залида Олий Мажис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирокида «Расмий бандлик кўламини кенгайтириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

## Расмий бандлик «расмий»лигича қолмасин

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Аширов, «Ўзулгуржисавдоинвест» ассоциацияси раиси ўринбосари Равшан Ҳамидбеков, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва бандликни бошқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Учқурбек Давлетов, Марказий банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мухтор Шоназаров, тармоқ касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Зиёдулла Худойбердиевнинг мавзуга доир маърузалари тингланди.

— Юртимизда касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртини битираётган ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда, — деди Марказий кенгаш раиси Ғайрат Зуннунов. — Лекин бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, баъзан шунчаки ҳужжат расмийлаштириб қўйилаётган ҳоллар ҳам учраётгани кишини ўйлантиради. Юқоридаги каби ҳолатларнинг юзага келмаслиги, аҳоли бандлигининг аниқ ва ҳаққоний кўрсаткичларига эга бўлишимиз учун тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб боришга, биргаликда ҳаракат қилишга ҳар доим тайёрмиз.

— Дарҳақиқат, ёшларнинг ишли бўлишаётгани кишини қувонтиради. Бироқ яна бир муаммо кўзга ташланиб қолмоқда. Бу — кадрлар тақсимоти масаласи. Масалан, битта туманда молияга ихтисослашган касб-ҳунар коллежи йилига шу соҳа бўйича 250 га яқин мутахассис тайёрлайди. Табиий савол туғилади: уларнинг барчасини қандай қилиб бир туманда иш билан таъминлаш мумкин? Бунинг ўрнига, айтайлик, йилига 50 та ошпаз тайёрласа бўлмайдими? Малакали ошпазлар ҳар доим керак. Хусусий тадбиркорлик кундан-кунга ривожланиб, кўплаб ресторан, кафелар барпо этилмоқда. Уларга эса малакали ошпаз ва официантлар жудаям зарур. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, — деди «Ўзулгуржисавдоинвест» ассоциацияси раиси ўринбосари Равшан Ҳамидбеков.

Давра суҳбатида бандлик масаласида кенг фикр юритилиб, тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Шароитдан кўнгил тўқми, деҳқонбобо?

***Жиззах вилоятида 4723 та фермер хўжалиги мавжуд. Уларда меҳнат қилаётганлар учун соғлом ва хавфсиз иш шароити яратилганми? Меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик техникасига эътибор қаратиляптими?***

***Бу борада ижобий ишлар йўқ эмас. Хусусан, иш берувчилар билан жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорликда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича изчил фаолият юритаяпти. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг пленум ва раёсат мажлисларида меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, иш шароити яратилиши масалаларига катта эътибор қаратилаётир. Шундай саъй-ҳаракатлар натижасида тизимда сўнгги уч йилда бирорта ҳам бахтсиз ҳодиса қайд этилмади.***

Бироқ ечимини кутаётган муаммолар етарли. Даставвал, меҳнат муҳофазасига доир қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши, жамоатчилик асосида сайланган вакиллар фаолиятини жонлантириш талаб этилади. Бунинг учун эса махсус дастур асосида ўқув-семинарлар ташкил этиш, вакилларнинг самарали, таъсирчан фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, намунали ишлаётганларни рағбатлантириш масалаларига бошланғич ташкилотлар эътиборини кучайтириш муҳим.

Нафсиламрини айтганда, аксарият фермер хўжаликларида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига панжа орасидан қаралмоқда. Ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароити яратилмаяпти. Мисол учун, Арнасой туманидаги «Шербек», «Зафар», «Иқтисод-тежамкор» сингари фермер хўжаликларида ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлари ҳамда бу борадаги билимини текшириш суст йўлга қўйилган. Ходимлар махсус кийим-бош билан таъминланмаган. Сувчи ва кетмончилар учун эса фаолият йўриқномаси ишлаб чиқилмаган.

Фермер хўжалиги раҳбарлари ишчиларга етарли иш шароити яратиш, жумладан, маданий-маиший хоналар, хавфсизлик техникаси синфхоналари ташкил этиш, зарур жамоавий ва шахсий ҳимоя воситалари бериш, ўқитиш, билимини синаб бориш сингари вазифаларга амал қилмаяпти. Масалан, Жиззах туманида 600 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган бўлса, кўпчилиги талаб даражасидаги дала шийпонига эга эмас. Ходимларга махсус иш кийимлари бериш, касблар бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ўлда-жўлда. Механизаторлар билан етарли иш олиб борилмайди. Тракторни бошқариш ҳуқуқи бериладиган ҳужжат бор-йўқлиги билан деярли қизиқилмайди, тракторчи билими синаб кўрилмайди. Тракторда эса дори-дармон қутичаси, ўт ўчириш мосламаси йўқ. Далада меҳнат қилаётган тракторчи бетобланиб қолса, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш амримаҳол.

Дала шийпонларида ҳам бирламчи тиббий дори-дармон захираси яратилмаган. Меҳнаткашлар учун оддий қўл ювиш, овқатланиш, ҳордиқ чиқариш шароити йўқ ҳисоби. Овқатланиш жойлари эса санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди.

Меҳнат кодексининг 214-моддасида назарда тутилган ходимларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида бош қотирадиган одам йўқ. Ҳ.Носиров номли сув истеъмолчилари уюшмасидаги «Алихон-Ғолиб», «Совунгарлик», А.Навоий номли СИУдаги «Зулайҳо Ҳасанова», «Шоҳисломбек», «Комилқори», Ҳ.Олимжон номли СИУдаги «Иброҳимжон», «Убайдулло ота» фермер хўжаликларида эса ходимлар хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалардан ўтказилмаяпти. Меҳнат муҳофазаси юзасидан ўқитиш ишлари йиллар давомида бажарилмайди.

Туман АСМ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши йиғилишида меҳнат муҳофазаси масаласи муҳокама этилган бўлса-да, қабул қилинган қарор ижрочиларга етказилмаган. Меҳнат муҳофазасида жамоатчилик назоратига эътибор сусайган. Ўтган йил давомида фермер хўжаликларининг бирортасида ҳам меҳнатни муҳофаза қилишга зарур маблағ ажратиш кўзда тутилмаган. Талай фермер хўжалиги раҳбарлари меҳнат муҳофазаси ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас. Бунга туман тармоқ касаба уюшма кенгаши томонидан сўнгги уч йилда бирор марта ўқув-семинар ташкил этмагани асосий сабаб. Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш борасида белгиланган тадбирлар бажарилмаяпти.

Меҳнат муҳофазаси йўналишидаги бу каби камчиликларни бартараф этишга эса касаба уюшма ташкилотларининг иш берувчилар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик имкониятларидан самарали фойдаланиши, меҳнат муҳофазаси мутахассислари фаолиятини янада жонлантириш орқали эришиш мумкин.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Чустликлар уйини гуллатиб, умрини яшнатиб яшашни одат билишади. «Уйни гуллатиш» деганда фақат саришталик эмас, дов-дарахт, току резавор экиб, рўзғор юкини томорқа ҳисобига енгиллатиш ҳам тушунилади. Каркидон Чустнинг гўзал ва қадимий қишлоқларидан. Бу ерда миришкорлиги билан кўпчиликка ибрат бўлгулик инсонлар талайгина. Қишлоқнинг «Ётмас» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳадича ая Абдусамадова ва уларнинг фарзандлари ана шундай ишнинг кўзини биладиганлардан.***

## Қут-барака макони

1987 йилдан бери бу уйнинг ҳовлисида барпо этилган иссиқхона ҳосили эл дастурхонини безамоқда. Авваллари помидор, бодринг, кўкатлар етиштирилиб, бундан чоғроққина даромад олинган бўлса, ўтган йилдан бошлаб Хитой усулига мослаштирилган иссиқхонага лимон кўчатлари қадалди.

Отасининг ҳунарини муносиб давом эттираётган Рустамжон ерни эъзозлаб кам бўлмади. Ҳалол меҳнати орқасидан рўзғори обод. Ҳовли-жойига ҳамма ҳавас билан қарайди. Ўтган йили бу файзли уй эшигини «Ласетти» безади.

— Ҳаммаси ернинг шарофатидан, — дейди у. — Насиб этса, даромадимиз янада ошади. Лимонларимиз ҳозир нишона кўрсатди. Мўл-кўл мева етиштирсак, бозордаги тўкинчиликка ҳиссамиз қўшилади.

Ҳа, деҳқоннинг нияти ҳамиша эзгу бўлади. Юрт ободлиги, эл фаровонлиги шундай хайрли мақсадлар туфайли бардавомдир.

**Муқаддас ФАЗЛИДДИНОВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман бирлашган қўмитаси раиси**

Ishonch
2012-yil 5-yanvar № 3 (3040)



# Парвоз учун кенгликлар зарур

(Давоми. Боши 1-бетда)
Талабаларнинг доимий равишда таҳририятларга, нашриётларга бириктирилиши, соҳанинг тажрибали мутахассислари раҳбарлигида амалиёт ўташи ўқув жараёнига ҳам ижобий таъсир этади. Ана шунда талаба таҳририятларга тайёр кадр бўлиб боради.

Журналистнинг келгусидаги тақдири ҳаммамизни — биз, соҳа профессор-ўқитувчиларини ҳам, амалиётчиларни ҳам, ёндош соҳа мутахассисларини ҳам баравар қизиқтириши зарур. Шу сабабдан таълим жараёнига имкон қадар ижодий ёндашаяпмиз. Жумладан, Халқаро «Қизил хоч» жамияти билан ҳамкорликда «Фавқулодда журналистика» махсус курсини ўқитиш йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳуқуқ журналистикасига оид семинарлар, таҳририятлар билан учрашувлар талабаларнинг журналистика — ижод эканини англашларида дадил қадамлар бўлмоқда. Айни пайтда ташкилот ва идораларда ахборот хизматлари бўйича амалиёт ўтаётган талабаларимиз ҳақида муассаса раҳбарларининг илиқ фикрлар билдириб хат жўнатишаётгани кишига мамнуният бағишлайди. Бу борада соҳанинг йирик мутахассиси, доцент Тўлқин Эшбекнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этмоқчиман.

***— Юртбошимиз томонидан таклиф этилган Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бевосита журналист кадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам алоқадор...***

— Шу йил ноябр ойида факултетимиз ташаббуси билан Концепциянинг бир йиллигига бағишлаб университетимизда профессор-ўқитувчилар ва магистр-талабаларнинг илмий анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда ёшларнинг Президентимиз қўйган масалаларни теран англаб олгани, воқеа-ҳодиса ва ўзгаришларга чуқур мулоҳаза билан ёндашаётгани яққол кўзга ташланди. Шу маънода интилувчанлик, ўз-ўзидан қониқмаслик ҳиссини, айниқса, бўлажак журналистда шакллантириш ниҳоятда муҳим.

***— Бугунги кунда ахборот соҳасидаги мислсиз ривожланиш ҳар қадамда сезилмоқда. Шунга кўра, соҳа билан ҳамнафас бўлишда бой журналистик тажриба, маҳорат ҳамда анъана тусини олган «Устоз-шогирд» тизимидан унумли фойдаланишда қандай ютуқларга эришилди?***

— Ахборот олиш ва узатиш қадимдан инсониятнинг эҳтиёжи бўлган ва бугун ҳам шундай бўлиб қолади. Шу ўринда журналистик тажриба ва маҳорат масаласига тўхталмоқчиман. Тажриба ва маҳорат — эгизак тушунча ва жараён бўлиб, буларнинг аъмоли сўздир. Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида ижодкор учун энг асосий қурол бўлган сўз ва унинг маъноси, сўз қолипи — руҳ ҳақида тўхталар экан, назаримда, нафақат назм ва наср, балки ўз даври «журналистика»си қиёфасини ҳам чизиб бергандек бўлади. Дарвоқе, Навоийнинг мактублари ўзбек журналистикаси тарихида энг муҳим манбалардан бири сифатида эътироф этилишга лойиқ. «Одам номига иснод келтирадиганлар пайдо бўлаяпти. Уларда сўз айтиш қобилияти бўлмаса ҳам, улар сўз айтиш пайида; нағмалари созланмаган бўлса ҳам, куй чалиш иштиёқида... ёзганларининг сўзлари бемаза, таркиби суст, мазмуни ҳам жўн, саёз, ёзилиш услуби нотўғри бўлса ҳам, уларнинг ҳаммасида бамаънилик даъвоси бор. Дуруст одамлар улардан қутулолмай гаранг». Истеъдодсизлар арзимаган, бировлардан ўғирлаб олган ижоди учун эҳсонлар кутади. Истеъдодсизлар истеъдодлиларга жафо тиғини уриш пайида. Навоий эса бундай адолатсизликдан азият чекади...

Сиз айтаётган «Устоз-шогирд» тизими ҳам истеъдодга таянади. Факултетимизда ана шу тамойил бош мезондир. Талабаларда журналистикага меҳр уйғотиш, бу соҳанинг машаққатли меҳнати-ю шарафини уқтириш, шу йўл билан шогирд ва устоз ўртасида ижодий ришталарни пайдо қилиш — асосий вазифамиз. Қолаверса, бурчимиз ҳам. Факултетимиз профессор-ўқитувчилари бу йўлда ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

***— Журналист жамиятнинг фаол аъзоси ҳисобланади, деб кўп айтамиз. Айтинг-чи, сизнингча, етук журналист қандай бўлиши керак?***

— Саволингизга жавоб бериш учун яна Навоийга мурожаат этишга ўзимда мажбурият сезаман:

**Ишқ ўти оташгаҳи жони анинг,
Ғам тенгизи ашки равони анинг.
Шамъ киби базмфурўзанда ул,
Базмфурўзандаву сўзанда ул.**

(Унинг жони ишқ ўтининг ўтхонасидир, ғам денгизи эса унинг кўзидан оққан ёшлардир. Шамъ каби у базмларга нур сочади, базмларни ёритади-ю, ўзи эса куйгани-куйган).

Етук журналист худди Навоий айтгани сингари бўлиши тарафдориман. Зотан, журналист даврдан олдинда юриб, халқнинг дарду қувончини ўзиникига айлантирганда, мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришларнинг туб моҳиятини одамларга етказа олганда, Навоий айтмоқчи, шам каби куйиб-ёниб яшаганда эътироф этилади. Етуклик — эътироф учун асосий омил. Эътироф — журналист учун энг буюк мукофот. Журналист сўз юкига ҳаммол бўлиши талаб этилади. Бу — айтишга осон. Изланиш, изланиш ва яна изланиш... Дарвоқе, етукликнинг асосий шарти — истеъдод. Биз бўлажак истеъдод эгалари билан ишлаймиз, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш зиммамиздаги асосий масъулият. Зотан, XV асрда яшаган Муиниддин Жувайний: «Истеъдод эгасини тарбиясиз қолдирмоқ зулмдир. Истеъдодсиз кишини тарбиялаш эса умрни зое ўтказишдир», деганда минг карра ҳақ эди.

***— Глобаллашув жараёнида талаба ва мутахассисларнинг халқаро тажрибадан хабардорлиги соҳа тараққиётининг асосларидан бири ҳисобланади. Айтинг-чи, факултетда халқаро алоқалар қай даражада йўлга қўйилган?***

— Журналист ўз қобиғига ўралашиб қолса, сўнгани шу. Бизнинг вазифамиз эса бўлажак журналистни ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқишдир. Жорий ўқув йилида бир магистр талабамиз Германиянинг нуфузли олий ўқув юртида грант асосида ўқишни давом эттиришга муяссар бўлди. Саудия Арабистони ва Қувайт фуқаролари факултетимиз қошидаги Олий журналистика курсларида таҳсил олаяптилар. Илмий алоқаларга тўхталсак, факултетимиз бошқа мамлакатлар учун ҳам кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, Иордания фуқароси Муваффақ Ажлауний жаноблари факултетимизда номзодлик диссертациясини ёзиб тугатди ва ҳимоя қилиш арафасида. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хуллас, факултетимизнинг халқаро миқёсда эътироф этилаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

***— Янги йилда факултет жамоасининг режалари қандай?***

— Режаларимиз аниқ: ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, профессор-ўқитувчиларимизнинг хорижда ва ҳамдўстлик мамлакатларида малакасини ошириш йўлларини излаш, талабаларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун ғайрат билан меҳнат қилиш... Биз ўтган йилларнинг шуҳрати билан яшамаймиз, балки янгилик яратиш учун меҳнат қиламиз ва шу иштиёқ билан яшаймиз.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.***

**«Ishonch» мухбири
Акмал ТОШЕВ
суҳбатлашди**

*Матбуот анжумани*

## Улкан ютуқларга эришилди

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг 2011 йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда тизимда амалга оширилаётган ибратли ишлар хусусида сўз юритилди. Жумладан, истиқлол йилларида 800 километр янги йўллар қурилди. Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарларига тезюрар поездлар қатнай бошлади. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида «Тошкент-Самарқанд» йўналиши бўйлаб юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» электрпоездлари йўлга қўйилди.

«Ўзбекистон» локомотив депосида мазкур поездга техник ва сервис хизматлар кўрсатадиган цех бунёд этилди. Бу жараёнда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, 32, 35 километрли «Янги Янгиер—Даштобод» янги йўналишининг ҳамда бу йўлларда 142 метр узунликдаги битта туннел ҳамда тўртта замонавий кўприкнинг қуриб битказилиши ҳам жорий йилда эришилган ютуқлардан саналади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК хизмат раҳбарлари журналистларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

**Адҳам ДАМИНОВ**

*Янги йил туҳфаси*

## Аҳолига қулайлик

Марғилон шаҳридаги Қумтепа бозори яқинида янги «Файз» савдо мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Мажмуада турли моллар билан савдо қилувчи 205 та дўкон жойлашган.

Шунингдек, мажмуа ҳудудида маъмурий бинолар, меҳмонхона, лаборатория каби иншоотлар, транспорт воситалари турадиган майдончалар, савдо буюмларини сақлаш учун ижара бинолари ҳам мавжуд.

**А.ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири**

## Маҳалла янги бинода

Янги йил арафасида Қизилтепа туманидаги «Бободўғи» маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди. Уни қуришда Ж.Мавлонов, С.Носиров, А.Жумаев, А.Пўлатов сингари ҳомийларнинг кўмаги катта бўлди. Қурилишга 15 млн. сарфланиб, бино зарур жиҳозлар билан таъминланди.

## Ёшлар иш билан таъминланди

Навбаҳор туманининг «Кескантерак» МФЙга қарашли Қоражон маҳалласида тадбиркор Абдурайим Муродов ташаббуси билан 700 нафар кишига хизмат кўрсата оладиган янги тўйхона ишга туширилди. Барча қулайликка эга бу маскан маҳалладаги 10 нафар ёшни иш билан таъминлади.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**

спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт

● *Жиззах*

## Ҳоким кубоги учун беллашув

***Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл туман кенгаши туман ҳокимлиги билан қабул қилинган қўшма қарорга мувофиқ, миллий кураш бўйича «Ҳоким кубоги учун» турнирини ўтказди.***

*Касаба уюшма тадбири*

Унда 80 нафар спортчи ўзаро беллашди. Вазнлар бўйича 40-100 кг. оғирликда Ш.Жўрабоев, Х.Тўраев, О.Шаропов, Д.Ҳакимов, У.Алиев, Ш.Бобоев, В.Завқиев каби полвонлар ғолиблик шоҳсупасидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида «Боғбон» ҚФЙ жамоаси биринчи, «Ипак йўли», «Мирзадола» ҚФЙ жамоалари кейинги ўринларни қўлга киритишди.

— Саралаш мусобақаларида 800 дан зиёд фермер хўжаликлари вакиллари билан бирга, қишлоқ хўжалик ходимларининг фарзандлари иштирок этди, — дейди туман АСМ ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Н.Бобоев. — Тадбир миллий курашимизга қизиқувчилар сафини ҳамда спортнинг оммавийлигини ошириши билан аҳамиятлидир.

Турнир анъанавий тарзда ўтказиладиган бўлди. «Боғбон»ликлар туман ҳокимининг кубоги ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири**







● *Қашқадарё*

***Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан Қарши давлат университети ҳамда муҳандислик иқтисодиёт институти ходимлари ўртасида анъанавий спартакиада ташкил этилди. Иштирокчилар шахмат, шашка, стол тенниси, стритбол, армрестлинг, мини футбол, арқон тортиш бўйича маҳоратини синовдан ўтказишди.***

## Ҳамма шод бўлди

*Спартакиада*

Мини футбол ҳамда стритболда «Муҳандислар» жамоасининг қўли баланд келган бўлса, арқон тортишда «Университет» вакиллари ғолиб чиқди. Шахмат беллашувларида эса эркаклар ўртасида ҚДУ вакили Муҳаммад Очил, аёллардан эса ҚМИИ вакиласи Шаҳноза Муродова муваффақият қозонди.

Армрестлинг бўйича эркаклар ўртасида Раҳим Бўриев (ҚДУ), аёллардан эса Ҳулкар Бобоева (ҚМИИ), шашкада Мақсуда Примова (ҚДУ), Зоир Мамедов (ҚМИИ), стол тенниси баҳсларида Шаҳло Норқулова (ҚДУ) ва Жасур Авазов (ҚМИИ) ғолибликни қўлга киритишди.

Умумжамоа ҳисобида ғолиблик Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти жамоасига насиб этди.

— Институтимизда ходимлар ва талабаларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган, — дейди биз билан суҳбатда ҚМИИ касаба уюшма қўмитаси раиси Файзиддин Тиловатов. — Йил давомида турли спорт тадбирлари мунтазам ўтказилади. Бир неча турларни ўз ичига олган «Ректор кубоги» мусобақаси ҳам спортнинг оммавийлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

— Университетимизда спортсевар педагоглар кўп. Шахмат бўйича Толиб Остонов раҳбарлигида тўгарак фаолият юритади. Бугунги спартакиада ташкилотчиларига, баҳсларни одилона бошқарган вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳакамларига миннатдорлигимни билдираман, — деди ҚДУ касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Файзиев.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

● *Навоий*

## Республика чемпионати

***Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт саройида юнон-рум кураши бўйича 1995-1998 йилда туғилган ёшлар ўртасида Республика чемпионати бўлиб ўтди.***

*Юнон-рум кураши*

500 нафарга яқин спортчи иштирок этган беллашувларда ўн бир вазн тоифасида 17 нафар спортчи вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Улардан ўз вазн тоифаси бўйича Н.Ўралов, Ж.Мўйиддинов 1-, Ж.Тоғаев, А.Рустамов, О.Ғуфаров, Д.Исматов 2-,Ф.Қурбонов, А.Каримов, С.Баҳронов, С.Ҳамидов, Ш.Раҳанов, А.Ҳусенов, Ғ.Шарипов, Б.Аслонов 3-ўринларни қўлга киритишди.

**Фаррух ЯКУБОВ**

● *Тошкент вилояти*

## Замонавий мажмуа

**Зангиота тумани Қатортол ҚФЙ Далагузар даҳасида иккита стадион ва теннис корти фойдаланишга топширилди.**

*Ҳомийлик*

30x50 ҳажмдаги стадион «Суннатбек-Бизнес» МЧЖ томонидан бунёд этилди. Бу мажмуада иш юритувчилар учун офис, кийиниш ва ечиниш хоналари, душ каби барча шароит муҳайё этилган.

Иш юритувчи Аваз Иноғомовнинг айтишича, стадион қурилган майдон 39-бошланғич таълим мактабига қарашли бўлиб, ўқувчиларнинг жисмоний тарбия соатлари ҳам шу ерда ўтказилаётир.

— Замон талабларига тўла мос ушбу ўйингоҳнинг ишга тушиши ўқувчиларимиз учун ҳам катта туҳфа бўлди, — дейди мактаб директори Мунира Остонова.

Футбол мураббийи Ойбек Бобоевнинг ҳам кайфияти чоғ.

— Майдон сунъий қопламали чим билан қопланган, барча қулайликлар мавжуд, — дейди у. — Теннис корти ҳам қурилиб, замон талалаблари асосида жиҳозланган. Кортга ёткизилган чимлар Хитойдан келтирилган бўлса, қолганлари ҳам хорижнинг етакчи компаниялари маҳсулотидир. Ушбу стадионда маҳалла аҳли билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштирилиши келажагимиз эгаларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам ошно бўлишларига замин яратмоқда.

**Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири**



**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «Qishloq Qurilish Bank» ОАТБ Бошқарувининг 11.06.2011 йилдаги 15/10-сонли қарорига мувофиқ «Qishloq Qurilish Bank» ОАТБ Янгийўл филиалига тегишли, банк филиали биносида сақланаётган «Нексия Донс» русумли, д/р 10-191 ВАА бўлган, 2005 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 17 078 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 6 феврал куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 3 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 6 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 13 ва 20 феврал кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 февралдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 10 феврал куни соат 18:00; 20 февралдаги савдолар учун 17 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Омон бўлинг,
# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 5-yanvar № 3 (3040)

## 2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йилнинг мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши Ўзбекистонимизда бахтли оилаларнинг янада кўпайиши, оила институтининг мустаҳкамланиши, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Қаршилик Шаҳзод Бахтиёров ва Фотима Холназарова оиласи ҳам мамлакатимиздаги барча оилалар каби янги 2012 йилни катта қувонч билан кутиб олмоқда. Ш.Бахтиёров — ҳуқуқшунос, Ф.Холназарова шаҳардаги 24-мактабда «Ватан туйғуси» фанидан дарс беради.

**Суратда:** Ш.Бахтиёров оиласи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва ғояси билан Қарши шаҳрида 2006 йили бунёд этилган «Эл-юрт таянчи» монументи зиёратида.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат**

---

**А.ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Фарғона шаҳридаги муҳташам «Тожмаҳал» ресторанига 40 жуфт «келин-куёв» ташриф буюрди. Одатдагидек миллий мусиқа садолари янграб, «ёр-ёр» айтилди. Таниқли хонанда ва созандалар хизматда бўлишди. Тўйнинг ўзига хос томони шундаки, «келин-куёв»лар эллик ва ундан ортиқ йилдан буён бирга яшаётган жуфтлар эди!

*Эҳтиром*

## Қўша қариганлар

— Вилоят «Нуроний» жамғармаси томонидан ташкил этилган тадбирда қатнашаётган бахтли бу оилалар сулолага айланган, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими раиси Топиболди Холдоров. — Уларнинг 297 нафар ўғил-қизи, 249 нафар невара-чеваралари бор. Айтайлик, Фурқат туманининг Ўртақўрғон қишлоғидан келган Соибназаровлар оиласи вакиллари — Қурбонбой ота ва Мўътабар аянинг турмуш қурганига 62 йил тўлган бўлса, Пармонбой ота ва Насиба ая 56 йилдан буён бирга яшашади. Соибназаровларнинг 13 нафар фарзанди, 44 невара ва 27 чеваралари бор.

Янги йил байрами арафасида ўтказилган, «Эҳтиром» дея номланган бу тадбир барчада ажойиб таассурот қолдирди.

---

**Адҳамбек ОЛИМБЕК**

## Истак

*Қутлов бўлар доим фараҳбахш, сурурли*
*Қоронғи гўшада ёнганидек шам.*
*Хушнудлик сафоси файзли, ғурурли*
*Янгиликда гул ифори мужассам.*

*Қувончини зум етказиш эзгу илинж,*
*Токи яхшиликнинг қаноти бўлсин.*
*Бўлишганда ортар бойликдир севинч,*
*Таровати юзларда қалқиб турсин.*

*Балки янги йил замон санада бирдир*
*Лек, билганга ҳар кун янгидир ҳаёт.*
*Худбинликни уммон қарига чўктир,*
*Қалбларни тўлдирсин навобахш баёт.*

*Янги йил шодликлардан шодалар тақиб,*
*Инсонлар кўнглига маржондек тақсин.*
*Жаҳолату қаҳрнинг қасрини бузиб,*
*Муҳаббат қуёши дилларда балқсин.*

---

*Тадбир*

## Меҳр билан олам мунаввар

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

Янги йил байрами муносабати билан Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтган тадбир миллий қадриятларимиз ифодаси бўлди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу хайрли тадбирда пансионатдаги кексалар аҳволидан хабар олиниб, уларга совғалар улашилди.

— Пансионатда барча шарт-шароит яратилган, икки оғиз ширин сўз ҳам уларнинг руҳиятига, соғлиғига ижобий таъсир этади. Фахрийлар бу эътибордан ғоят мамнун, — дейди пансионат раҳбари Баҳодир Аҳмедов.

— Валентина Чиковаман, 92 ёшдаман, — дейди нуроний онахон. — Уруш даврида фронт ортида меҳнат қилдим. Уруш азобини яхши биламан. Касбим — шифокор. Машаққатларни умр йўлдошим билан бирга енгиб, аҳил яшадик. Фаровон ҳаётни кўриш насиб этганига, соғсаломатлигимга шукр қиламан.

Кексаларнинг кўнглини обод этиб, уларнинг дуосини олиш халқимизга хос фазилат. Эзгу анъаналаримиз бундан кейин ҳам давом этаверсин.

---

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Муборак Ёрматова — Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг иқтидорли ёш ходимларидан. Тайёрлаган кўрсатув ва эшиттиришлари воҳа аҳли томонидан илиқ қарши олинади. Айниқса, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳомийлигида эфирга узатиладиган «Юрт таянчи» кўрсатуви мухлислар меҳрини қозонган.

*Эътироф*

## ...Журналистлар нигоҳида

Тинимсиз ижодий изланишлари унга муваффақият келтирди. У вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорликда эълон қилган «Касаба уюшмалари журналистлар нигоҳида» танловида иккинчи ўринга лойиқ топилди.

— Бундай эътирофдан мамнун бўлдим, — дейди Муборак. — Бундан кейин ҳам самарали фаолият кўрсатиб, касаба уюшмалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган савобли ишларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, қолаверса, журналистларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда, шунингдек, «Хоразм ҳақиқати» газетаси бўлим бошлиғи Оллаберган Ражабовга 1-, «Тўмарис авлоди» газетаси муҳаррири Шарқия Эшжоновага 3-ўрин, Комилжон Ўрозимбетовга фотожурналистика йўналишида ва Иброҳим Юсуповга жамоатчи мухбирлар ўртасида ғолиблик насиб этди.

---

**Иззат ҲИКМАТОВ**

## Аҳилликда ҳикмат кўп

Қашқадарёдаги нодавлат ташкилотлари яна биттага кўпайди. Рус, корейс, татар-бошқирд, араб, туркман, озарбайжон диаспораси вакилларини бирлаштирган миллий-маданий марказлар қаторига тожик миллий маркази ҳам қўшилди.

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

— Вилоятда 116 мингга яқин тожиклар ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари билан ахил ва иноқ яшаб келмоқда, — дейди янги марказ раҳбари, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Абдурасул Эргашев. — Ўзаро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик туфайли жаннатмакон юртимиз гуллаб-яшнамоқда.

Халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигига бағишланган анжуманда иштирок этган корейс ва араб миллий-маданий маркази раислари Терентей Ли ва Холиқберди Бобомуродов, тадбиркор Сайфулла Бекназаров, ички ишлар органлари фахрийси Раимжон Тўраев ва бошқалар миллатлар аҳиллигининг ҳаётбахш самаралари ҳақида гапирдилар.

---

## Авлиё аёллар

Яқинда бир даврада ўзларини анча билимдон деб ҳисобловчи икки киши ўртасида баҳс бўлди.

— Аёллардан авлиё чиқмаган, — деди биринчи киши ишонч билан.

Унинг сўзини иккинчи киши рад этди.

— Йўқ, чиққан.

— Чиққан бўлса, қани айтинг, улар кимлар?

— Улар ҳақида катта китобларда ёзилган.




Иккинчи киши шу китобларнинг ҳатто номини ҳам айтолмаганлиги боис унинг сўзлари асосли жавоб ўрнига ўтмади. Шунда «катта китоб»лардан ва уларда номлари битилган аёл авлиёлар ҳақида гапириб беришга тўғри келди.

**Сотим АВАЗ**

Умуман олганда, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари сифатида улуғланадиган, руҳий илоҳийси зиёда бўлган, ҳокисорлик ва камтарликни, сабру қаноатни, шукру бардошни, яхшилик ва эзгуликни ўзига шиор қилиб олган авлиё аёлларимиз ҳақида маълумот берувчи манбалар талайгина. Улардан энг мўътабари Алишер Навоий ҳазратларининг «Насойим ул муҳаббат» асари дейилса, хато бўлмайди. Дарвоқе, улуғ шоир таваллудининг 570 йиллиги муносабати билан унинг 10 жилдлик асарлар тўплами чоп этилди.

Навоий ҳазратлари инсоннинг авлиёлик мақомига кўп жиҳатдан инсонпарварлик ва халқпарварлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Албатта, уларнинг кароматлари, беқиёс хислатлари улуғланади. Шу билан бир қаторда, эзгу амалларига ҳам асосий эътибор қаратилади. «Насойим ул муҳаббат»да авлиёлик мақомига эришган 770 нафар тарихий шахс ҳақида кенг маълумот келтирилган. Асарнинг Ҳазрати Увайс Қаранийдан бошланиб, мавлоно Абдураҳмон Жомий тавсифи билан тугалланадиган асосий қисмида 735 нафар ислом шайхи ҳаёти ҳақида сўз юритилади.

Кейин ҳикмату лутф анқиб турган сўзлар «Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри» билан давом этади. «Насойим ул муҳаббат»да авлиё аёллардан саналган Физза ҳақида алоҳида сўз юритилади: «...бир қуйи бор эркандурки, соғсалар ҳам сут берур эркандир, ҳам бол!».

Албатта, бу сўзлар муболағали туюлади. Аммо тасаввуф таълимотидан бироз хабардор киши бу кароматдан нишона эканлигини фаҳмлайди. Зеро, аслида қурбонлик воситаси бўлган қўйнинг ҳам сут, ҳам бол бериши, аввалам бор, Яратганга яқинликка ишора, қолаверса, жисм учун неъматларнинг энг олийларидан ҳисобланган сут ва бол қалб учун энг зарур неъматлар илм ва ҳикматга муқояса бўлса не ажаб?!

«Насойим ул муҳаббат»даги Имраъатун Хоразмия ҳақидаги тавсиф эътиборни тортиши табиий. Чунки у юртимизда ҳам қадимда авлиё аёллар кўп ўтганлигидан далолат беради. Тавсиф қисқа. Унда имом Ёфиъий ўзи битган тарихда уламоларнинг сўзларига асосланиб, Хоразмда йигирма йилдан ортиқроқ вақт мобайнида егулик ва ичгулик билан машғул бўлмаган бир аёлни кўрганлигидан шаҳодат беради. Егулик ва ичгулик билан машғул бўлмасликни мутлақо овқат тановул қилмаслик маъносида тушуниш мақсадга мувофиқ эмас. Уни сабру қаноат, ҳаё ва шукур йўлидаги умрлик парҳез, дея тушуниш тўғри бўлур эди. Фақат ишқ нури билан тўлган тўқ кўнгил билангина бундай парҳезга эришиш мумкин. У барча нафс илинжларидан, ҳирсу ҳавас қутқуларидан ҳимоя қилувчи синмас ва бузилмас қалқондир. Айнан шу фазилатлар инсонни улуғлайди, юксакликка интилишида қанот бағишлайди.

Алишер Навоийнинг дурдона асарлари, жумладан, «Насойим ул муҳаббат» яратилганидан буён неча асрлар, авлиёлар тарихини сақлаган ҳолда ўтиб кетди. Ундан кейин қанча-қанча авлиё аёллар Яратгандан мадад олиб, яшаб ўтганлари шубҳасиз.

Хоразм воҳасида яшаб ўтган Мушкул кушод она зиёратгоҳи ҳам шундан далолат. Ривоятларда айтилишича, бу авлиё аёл руҳидан қувват олганларнинг кўпгина мушкуллари барҳам топар экан. Шу сабабли зиёратчилар зиёратгоҳга тўхтамай ташриф буюриб туришади.

«Насойим ул муҳаббат»га асосланиб, авлиё аёллар ҳақида сўз юритишга Алишер Навоий ҳазратларининг ўн томлик тўла асарлар тўплами даъват этди. У юртимизда истиқлол шарофати боис чоп этилди.

---

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Қўшкўпир туман кенгаши раиси Саломат Хўжаниёзовага онаси
**НАЗИРА** аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Insonga naf keltirish - oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.40

Buyurtma Г — 111

22795 nusxada bosildi

1 3 4 5